

**Иш бўйича моддий қонун талаблари бузилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2008 йил 7 июлдаги ҳукмига кўра, К. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в,ж,п» бандлари билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 23 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, К. 2008 йил 15 март куни соат 21 да турмуш ўртоғи Г. маст ҳолатда келиб, уни ҳақорат қилганлиги учун амакиси Д. билан Г.ни қасддан ўлдиришга жинойий тил бириктирган. Шундан сўнг 2008 йил 16 март куни соат 01 да Д. К.нинг опшириғига кўра, болта билан қуролланиб, Г. маст ҳолатда ухлаб ётганидан фойдаланиб, ўта шафқатсизлик билан Г.нинг боши, елкаси ва кўкрак қафасига қасддан бир неча марта болта билан уриб ўлдирган.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари томонидан билдирилган протестда К.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Суд иш тавсилотларини тўғри аниқлаб, К.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлсада, бироқ К.нинг жинойий ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 20-бандида, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг

ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми “п” банди билан квалификация қилиниши;

-қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Иш бўйича Пленум қарорининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, К. 2008 йил 15 март куни соат 21 да турмуш ўртоғи Г. маст ҳолатда уни ҳақорат қилганлиги учун жаҳл устида амакиси Д.га Г.ни қасддан ўлдиришни тайинлаган, Д. 2008 йил 16 март куни соат 01 да болта билан қуролланиб, Г. маст ҳолатда ухлаб ётганидан фойдаланиб, болта билан Г.ни бир неча марта уриб қасддан ўлдирган.

К. дастлабки тергов ва судда, 2008 йил 15 март куни соат 21 да турмуш ўртоғи Г. маст ҳолатда уни ҳақорат қилганлиги учун, амакиси Д. билан турмуш ўртоғини ўлдиришга келишишганлиги, шундан кейин 16 март куни соат 01 да Д. болта билан турмуш ўртоғини ухлаб ётган жойида уриб ўлдирганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Д. дастлабки тергов ва судда, 2008 йил 15 март куни амакиси К. турмуш ўртоғи уни ҳақорат қилганлиги, унга тинчлик бермаётганлиги учун Г.ни ўлдиришини айтганлиги, у рози бўлиб 2008 йил 16 март куни соат 01 да болта билан Г. ухлаб ётган хонага кириб, уни уриб ўлдирганлиги ҳақида кўрсатув берганлар.

Иш материалларида К. Г.ни ҳаётдан маҳрум қилишда бевосита иштирок этганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолда К. Д. билан бир гуруҳ шахслар бўлиб Г.ни қасддан ўлдиришган деб эмас, балки Д. томонидан Г.ни қасддан ўлдиришда иштирок этган деб ҳисоблади.

Апелляция инстанцияси суди қайд этилган ҳолатларга эътибор бермай, суднинг хатосини бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Жиноят кодексининг 50-моддаси 6-қисмида, озодликдан маҳрум қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 28-бандида судларга Жиноят кодекси 50-моддасининг 6-қисмига мувофиқ, аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинланаётган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд К.га нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодекси 97-моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ жазо тайинлаб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 15 сентябрдаги ажрими билан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2008 йил 7 июлдаги ҳукми ҳамда шу суд

апелляция инстанциясининг 2011 йил 23 февралдаги ажрими ўзгартирилиб, К.нинг айбидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «п» банди чиқарилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “в,ж” бандларидан, шу Кодекснинг 28,97-моддаси 2-қисми “в,ж” бандларига квалификация қилиниб, тайинланган жазо қонунга мувофиқлаштирилиб, К.га нисбатан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

**Назорат иш ЖСХ-261-11**